




MARKAZIY OSIYO MA'NAVIY TAFAKKURI VA ISLOM FALSAFASI: TARIXIY-EVOLYUTSION RIVOJLANISH JARAYONI

MAVZUSIDAGI
XALQARO ILMIY-NAZARIY ANJUMAN



МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
НА ТЕМУ
‘ДУХОВНАЯ МЫСЛЬ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ИСЛАМСКАЯ ФИЛОСОФИЯ:
ИСТОРИКО-ЭВОЛЮЦИОННЫЙ ПРОЦЕСС РАЗВИТИЯ’

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND THEORETICAL
CONFERENCE ON
‘SPIRITUAL THOUGHT OF CENTRAL ASIA AND ISLAMIC PHILOSOPHY:
THE HISTORICAL AND EVOLUTIONARY DEVELOPMENT PROCESS’

Bukhara-2026

**САЪДИДДИН ҲАМАВИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МАЪРИФАТ
ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ****Ражабов Алишер Шавкатович***Бухоро давлат педагогика институти мустақил изланувчиси (PhD)*

Аннотация. Мазкур мақолада XIII аср тасаввуф фалсафасининг йирик вакили Саъдиддин Ҳамавий ижодида маърифат тушунчасининг моҳияти таҳлил қилинган. Муаллиф Ҳамавийнинг “Сижанжал ул-арвоҳ” ва бошқа асарларига таяниб, маърифатнинг илмдан фарқи, унинг “нур ва нор” уммони сифатидаги тавсифи ҳамда мулк ва малакут оламларини англашдаги ўрнини ёритиб беради. Мақолада маърифатнинг уч мартабаси ва “Қоф” ҳарфи билан боғлиқ метафизик қарашлар фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар. Саъдиддин Ҳамавий, тасаввуф, маърифат, Мулк, Малакут, Сижанжал ул-арвоҳ, нур ва нор, ориф, тавҳид, илми ҳуруф.

Аннотация. В данной статье анализируется сущность понятия “маърифат” (познание) в творчестве видного представителя суфийской философии XIII века Саад ад-дина Хаммуи. Опираясь на трактат “Сиджанджал ал-арвах” и другие труды мыслителя, автор раскрывает различия между знанием (илм) и познанием (маърифат), описывает метафору океана “света и огня”, а также роль познания в постижении миров Мулк (материального) и Малакут (духовного). В статье философски исследуются три ступени познания и метафизические взгляды, связанные с буквой “Каф”.

Ключевые слова. Саад ад-дин Хаммуи, суфизм, маърифат, познание, Мулк, Малакут, Сиджанджал ал-арвах, свет и огонь, ариф, тавҳид, наука о буквах (илм ал-хуруф).

Annotation. This article analyzes the essence of the concept of “ma'rifat” (spiritual gnosis) in the works of Sa'd al-Din al-Hammuwayi, a prominent representative of 13th-century Sufi philosophy. Drawing on “Sijanjal al-arwah” and other treatises, the author explores the distinctions between formal knowledge (ilm) and spiritual gnosis (ma'rifat), elucidates the metaphor of the ocean of “light and fire”, and examines the role of gnosis in comprehending the realms of Mulk (the physical) and Malakut (the spiritual). The article provides a philosophical investigation into the three levels of gnosis and metaphysical views associated with the letter “Qaf”.

Keywords. Sa'd al-Din al-Hammuwayi, Sufism, ma'rifat, gnosis, Mulk, Malakut, Sijanjal al-arwah, light and fire, arif, tawhid, science of letters (ilm al-huruf).

Тасаввуф фалсафасининг моҳиятини ташкил этувчи маърифат тушунчаси шунчаки билиш жараёни эмас, балки инсон руҳиятининг борлиқ ҳақиқати билан юзма-юз келиши ва илоҳий моҳиятни қалб кўзи билан идрок этишини англатувчи кенг қамровли метафизик категориядир. Мумтоз тасаввуф назариясида маърифат ва илм ўртасидаги чегара жуда нозик бўлса-да, уларнинг функциялари тубдан фарқланади. Маърифатнинг луғавий илдизи “таниш” ва “икрор бўлиш” маъноларини ўз ичига олгани боис, унинг зидди жаҳл эмас, балки инкор ҳисобланади, чунки ориф ҳақиқатни нафақат билади, балки уни ўз борлиғида ҳис қилиб, унга таслим бўлади. Тасаввуфий-фалсафий жиҳатдан маърифатнинг пайдо бўлиши инсон қалбидаги “нур”нинг илоҳий тажаллийлар билан учрашиши натижасидир ва бу жараён солиқдан нафси поклашни, дунёвий боғлиқлардан узилишни ва доимий мушоҳада ҳолатида бўлишни талаб этади. Луғатларда “билиш, таниш, икрор бўлиш ва билим” маъноларини англатувчи маърифат, баъзан “илм” сўзи билан синоним сифатида ишлатилса-да, улар орасида муайян фарқлар бор. Тасаввуфий термин сифатида маърифат - кишининг Аллоҳнинг борлигини,

бирлигини, улуғлигини ва ўзининг ожизлигини билишидир. Маърифат аҳлига ориф (билувчи, танувчи), маърифат мавзуси бўлган нарса ёки шахсга маъруф (билинган, танилган) дейилади. Маърифатнинг қалбда барқарор равишда ўрнашиб қолишига эса яқин дейилади. Тасаввуф эпистемологиясида маърифат ва илм ўртасидаги фарқланиш борлиқни англашнинг икки хил даражасини ифодалайди. Илм ақлий далиллар ва ташқи маълумотлар воситасида ҳосил бўладиган назарий билим бўлса, маърифат бевосита илоҳий тажаллий ва қалбий мушоҳада натижасида юзага келадиган амалий тажрибадир. Тасаввуф алломалари маърифат ҳақидаги хилма-хил таърифларни келтириб ўтишган. Масалан, Абу Наср Саррож маърифатни шунчаки билиш эмас, балки қалбнинг илоҳий нур билан тириклашиши деб билади. Унинг таърифича, маърифат - бу инсоннинг ўз ақли ва заковати билан эмас, балки Аллоҳнинг банда қалбига солган нури воситасида Ҳақиқатни танишидир. Бу ерда маърифат ва илм ўртасидаги энг катта фарқ намоён бўлади: илм ахборотга, маърифат эса илоҳий инъомга таянади⁷⁴.

Жунайд Бағдодий маърифатни банданинг ўз нафсини фоний қилиши ва Ҳақ билан боқий бўлиши деб таърифлайди. Унинг наздида ҳақиқий маърифат – “Ҳақ Таолонинг сенга Ўзини танитиши ва сени ўзингдан айириб, Ўзи билан қоим қилишидир”. Бу ҳолатда маърифат банданинг ҳаракатидан кўра кўпроқ илоҳий тасарруфнинг натижаси сифатида гавдаланади⁷⁵.

Зуннур Мисрий маърифатнинг энг юксак даражасини “мушоҳада” билан боғлайди. Унинг “Мен Роббимни Роббим билан танидим” деган сўзи тасаввуфда маърифатнинг ваҳбийлик табиатини ифодаловчи асосий далилдир. У маърифат аҳлини ақлий далиллар занжиридан озод бўлган ва илоҳий нур билан асл ҳақиқатни кўрувчи зотлар деб атайди⁷⁶.

Имом Ғаззолий маърифатни қалбнинг “илоҳий кашф” ҳолати деб атайди. Унинг фикрича, маърифат - бу Аллоҳнинг нури бўлиб, у банданинг қалбига тушганда коинотдаги барча пардалар кўтарилади ва ашённинг асл маҳияти (малакут олами) намоён бўлади. Бу билим инсонни дунёвий шубҳалардан буткул халос этади⁷⁷. Умумий илмий-фалсафий таҳлил шуни кўрсатадики, маърифат - бу инсон руҳининг илоҳийлик билан тўқнашиши натижасида ҳосил бўладиган экзистенциал билимдир. У нафақат билиш жараёни, балки солиқнинг бутун борлигини “тамкин” (вазминлик) ва “талвин” (ҳолатлар ўзгариши) орасидаги мувозанатда сақловчи маънавий мақомдир. Маърифатнинг якуний мақсади тавҳидни ҳаққоний англаш ва илоҳий розиликка эришишдир.

Ҳамавий эса маърифатни “кишининг мулк ва малакут оламларига доир яқиний (аниқ) билимларга эга бўлиши” деб таърифлайди⁷⁸. Унинг фикрича, маърифатнинг учта мартабаси бор:

1. Маърифатут-самоъ: Кишининг имон ва таслимият ҳақида бошқалар воситасида ўрганган касбий (ўрганилган) билимларидир. Бу мартабадаги ориф (*ал-ориф би-амриллоҳ*) Аллоҳнинг буйруқ ва тақиқларини биладиган, ҳалол ва ҳаром борасида ирфон соҳиби бўлган кишидир.

2. Маърифатул-аён: Кашф ва илҳом билан қўллаб-қувватланадиган маърифатдир. Бу мартабадаги ориф (*ал-ориф биллоҳ*) Аллоҳнинг зоти ва сифатлари ҳақида маърифат соҳибидир.

⁷⁴ Қаранг: (Ливан, الطبعة الأولى، ۲۰۰۱م، ص ۴۰-۴۱ أبو نصر السراج الطوسي، اللمع في التصوف، تحقيق: كامل مصطفى الهنداوي، دار الكتب العلمية، بيروت – Ливан, биринчи нашр, 2001 йил, 40-41-бетлар).

⁷⁵ Қаранг: (Ливан, ص ۱۲۴ أبو بكر الكلایذی، التعرف لمذهب أهل التصوف، دار الكتب العلمية، بيروت – Ливан, 124-бет).

⁷⁶ Қаранг: (مصر، ج ۲، ص ۶۰۲ أبو قاسم القشيري، الرسالة القشيرية، تحقيق: عبد الحليم محمود ومحمود بن الشريف، دار المعارف، القاهرة – “ар-Рисолат ал-Кушайрия”, Абдулҳалим Маҳмуд ва Маҳмуд бин Шариф таҳрири остида, Дар ал-Маориф нашриёти, Қоҳира – Миср, 2-жилд, 602-бет).

⁷⁷ Қаранг: (Ливан, الطبعة الأولى، ۲۰۰۵م، ص ۴۵-۴۶ أبو حامد الغزالي، إحياء علوم الدين، دار ابن حزم، بيروت – Дар Ибн Ҳазм нашриёти, Байрут – Ливан, биринчи нашр, 2005 йил, 45-46-бетлар).

⁷⁸ Saʿdeddīn Hammūyī, Bahruʾl-Meʾānī, Süleymaniye Kütüphanesi, Fazıl Ahmed Paşa, no: 706, vr. 87a.

3. Маърифатул-қалб: Бу соҳили бўлмаган, нур ва нордан (оловдан) иборат уммон кабидир. “Уммон” ёки “ҳақиқат дарёси” иборалари Ҳамавий томонидан ҳақиқат илмининг теранлиги, чексизлиги ва хатарли эканини ифодалаш учун қўлланган метафоралардир. Маърифат уммонининг “нур ва нор” деб таърифланишига сабаб - маърифат Ҳақ Таолонинг Жамол ва Жалол сифатларининг жабарут, носут ва лоҳут оламларидаги тажаллийларига доир илм бўлиб, бу ҳар ким ҳам кўтара олмайдиган оғир юкдир. Шу боис, бу уммонни кемасиз (шариатсиз) сузиб ўтишга уринган солиқ ёниш ёки чўкиш хавфига дуч келади. Бу мартабада ориф - нор ва нур уммонлари орасида мувозанат ўрната олган, яъни ҳам тамкин (вазминлик), ҳам талвин (ҳолатлар ўзгариши) узра яшайдиган кимсадир. Бошқача айтганда, у ҳам шариатга мувофиқ ҳаракат қиладиган, ҳам важд ва жазбада камол мартабасига етган шахсдир. Ҳамавий бундай орифларни пайғамбарларнинг ҳақиқий ворислари деб билади⁷⁹.

Бошқа бир таснифда Ҳамавий маърифатни икки қисмга ажратади: “Қоф”⁸⁰нинг устидаги маърифат ва “Қоф”нинг остидаги маърифат. “Қоф”нинг устидаги маърифат Аллоҳнинг сифатларини таниш бўлиб, унга эга бўлган киши шайтоннинг барча ҳийлаларидан қутулади. “Қоф”нинг остидаги маърифат эса тўрт қисмга бўлинади: нафс, қалб, руҳ ва ашё (мавжудотлар) маърифати⁸¹. Шу билан бирга, Ҳамавий маърифатни “Қоф”, “Алиф”, “Лом” каби ҳарфларнинг сирларини билиш деб ҳисоблайди. У учун маърифат - коинотнинг рақамли ва ҳарфий кодини ечишдир. Бу билим солиқни шайтоний васвасалардан ҳимоя қилувчи “қалқон” вазифасини ўтайди⁸².

Ҳамавий “маърифат - илмдир” ёки “илм - маърифатдир” кабилидаги таърифларни камчиликли ва нотўғри деб ҳисоблайди. Чунки унинг фикрича, олим ашённинг ташқи кузатиладиган сифатларини билса, ориф ашённинг зоти ва моҳиятини билувчидир⁸³. Ориф ашёга Ҳақ билан ва таъзим кўзи билан боқадиган, сўзи “аҳсони тақвим” (энг гўзал сурат) узра бўлган кишидир. У бандалар билан гаплашади, лекин Робби билан биргадир. Зоҳиран инсонлар ёнида, ботинан эса Аллоҳ Таоло биландир. Унинг қалби раҳмат булутлари қоплаган жаннат боғларидан бир боғ кабидир.

Ориф Роббига ҳар лаҳза дуо қиладир. Бироқ унинг дуосида на савоб, на жаннат умиди ва на жаҳаннам кўркуви бор. Унинг Аллоҳдан кўркиши азобдан ёки жаҳаннамдан эмас, балки Унинг улуғ Зотидандир. Ориф дунёга ибрат кўзи билан, охиратга интизорлик ва соғинч билан, яхшиликка иштиёқ билан, инсонларга ислоҳ қилиш мақсадида, нафсга ҳақир кўз билан, илм ва маърифатга эса хушхабар умидида боқадиган шахсдир⁸⁴. Шунингдек, Ҳамавийнинг фикрича, инсон руҳи (арвоҳ) илоҳий лавҳлардаги нақшларни акс эттирувчи кўзгудир. Маърифат - бу кўзгуни нафс зангидан поклаб, унда илоҳий тажаллийларни кўришдир⁸⁵. Ҳамавий таъкидлайдики, маърифат фақат таскинлик эмас, балки руҳий изтироб ва нафснинг ёнишидир. Ҳақиқий ориф - илоҳий Жамол (нур) ва Жалол (нор) орасидаги мувозанатни топган кишидир.

Ҳамавийга кўра, маърифатнинг пировард мақсади - тавҳидни ҳаққоний англашдир. Маърифатга эришиш учун доимо Ҳақ Таолонинг ҳузурида эканини англаб, Унга нисбатан юксак одоб ва ҳаё ичида бўлиш лозим. Тавҳидга етишиш эса Унинг иродасига ризо ва таслимиётда бўлишни тақозо этади⁸⁶.

⁷⁹ Sa'deddin Hammūyī, Bahru'l-Me'ānī, Süleymaniye Kütüphanesi, Fazıl Ahmed Paşa, no: 706, vr. 14a.

⁸⁰ Hammūyī, Kitābū'l-Mahbūb, Kitābhāne-i Meclis-i Şūrā-yı İslamī, vr.55b.

⁸¹ Sa'deddin Hammūyī, Bahru'l-Me'ānī, Süleymaniye Kütüphanesi, Fazıl Ahmed Paşa, no: 706, vr. 86b-87a.

⁸² Саъиддин ал-Ҳамавий. Сижанжал ул-арвоҳ фи нукуш ил-алвоҳ. – Истанбул: Миллат Бош кутубхонаси, Жоруллоҳ афанди бўлими, инв. № 1541. Қўлёзма. 1–74-варақлар.

⁸³ Sa'deddin Hammūyī, Bahru'l-Me'ānī, Süleymaniye Kütüphanesi, Fazıl Ahmed Paşa, no: 706, vr. 13b.

⁸⁴ Sa'deddin Hammūyī, Bahru'l-Me'ānī, Süleymaniye Kütüphanesi, Fazıl Ahmed Paşa, no: 706, vr. 82b,87a.

⁸⁵ Саъиддин ал-Ҳамавий. Сижанжал ул-арвоҳ фи нукуш ил-алвоҳ. – Истанбул: Миллат Бош кутубхонаси, Жоруллоҳ афанди бўлими, инв. № 1541. Қўлёзма. 1–74-варақлар.

⁸⁶ Sa'deddin Hammūyī, Bahru'l-Me'ānī, Süleymaniye Kütüphanesi, Fazıl Ahmed Paşa, no: 706, vr. 14a.

Юқорида келтириб ўтилган фикр ва мулоҳазалар, тасаввуфий-илмий таҳлилларга асосланиб қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

- Ҳамавий ижодида маърифат ва илм ўртасидаги чегара ақлий билиш ва руҳий англаш даражаларига кўра тақсимланади. Илм ташқи олам ва далилларга таянган “касбий” билим бўлса, маърифат илоҳий лутф натижасида қалбда пайдо бўладиган “ваҳбий” нурдир. Мутасаввиф маърифатнинг зидди сифатида “жаҳл”ни эмас, балки “инкор”ни келтириши орқали билиш жараёнининг нафақат интеллектуал, балки экзистенциал табиатга эга эканлигини, яъни ориф ўз билимини бутун борлиғи билан тасдиқлаши лозимлигини илмий асослаган;

- Ҳамавий маърифатни инсоннинг мулк (моддий) ва малакут (руҳий) оламлари ўртасидаги узвий боғлиқликни англаши сифатида талқин қилади. Унинг “Сажанжал ул-арвоҳ” асари таҳлили шуни кўрсатадики, маърифат соҳиби учун моддий борлиқ шунчаки ҳиссий объект эмас, балки илоҳий сифатлар акс этадиган кўзгудир. Демак, Ҳамавий тизимида маърифат - инсон руҳининг ўз илоҳий аслини таниши ва коинотдаги ҳар бир нақш ортида турган Яратувчининг иродасини мушоҳада қилиш жараёнидир;

- Ҳамавий томонидан таклиф этилган маърифатнинг уч мартабаси – “маърифатут-самоъ”, “маърифатул-аён” ва “маърифатул-қалб” тушунчалари солиқнинг руҳий камолот босқичлари сифатида очиб берилган. Маърифатнинг энг юксак босқич ҳисобланган “маърифатул-қалб” - бу нафақат билиш, балки Жамол ва Жалол тажаллийлари орасида мувозанат топиш (нур ва нор уммони) демакдир. Бу эса тасаввуфда инсон нафсининг тўлиқ покланиши ва илоҳий иродада фоний бўлиш даражасини ифодалайди;

- Ҳамавий маърифатни ифодалашда математик ва геометрик рамзлардан, айниқса ҳарфлар метафизикасидан (“Қоф” ва бошқа ҳарфлар) кенг фойдаланиши унинг ирфоний қарашларини бошқа тасаввуф мактабларидан ажратиб туради. Хулоса қилиш мумкинки, Ҳамавий учун маърифат - коинотнинг рақамли ва ҳарфий кодини ечиш санъатидир. Бунда ҳар бир белги малакут оламидаги ҳақиқатнинг Мулк оламидаги калити бўлиб хизмат қилади ва инсонни шайтоний васвасалардан ҳимоя қилувчи маънавий қалқон вазифасини ўтайди;

- Ҳамавий меросида маърифат ўз-ўзидан мақсад эмас, балки ҳақиқий Тавҳидга етишиш воситасидир. Орифнинг дуосида савоб умиди ёки жазо кўркувининг йўқлиги, унинг фақат Ҳақ Зотига бўлган ҳаё ва ҳайбат ичида яшаши маърифатнинг энг юксак мевасидир. Бу концепция инсонни ўз нафсидан кечириб, илоҳий ягоналикни нафақат тилда айтиш, балки қалб ва амал билан ҳис қилишга етаклайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абу Наср Саррож ат-Тусий. Ал-Лумаъ фит-тасаввуф / Таҳқиқ: Комил Мустафо Ҳиндовий. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2001. – Ж. 1. – 504 б.
2. Абу Бакр ал-Калобозий. Ат-Таарруф ли-мазҳаби аҳлит-тасаввуф. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1993. – 224 б.
3. Абу Қосим ал-Қушайрий. Ар-Рисолат ал-Қушайрия / Таҳқиқ: Абдулҳалим Маҳмуд, Маҳмуд бин Шариф. – Қоҳира: Дар ал-Маориф, 1995. – Ж. 2. – 830 б.
4. Абу Ҳомид ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. – Байрут: Дар Ибн Ҳазм, 2005. – 1928 б.
5. Саъиддин ал-Ҳамавий. Баҳр ул-маъоний. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси, Фозил Аҳмад Пошо фонди, инв. № 706. – Қўлёзма. – 184 varaқ.
6. Саъиддин ал-Ҳамавий. Сижанжал ул-арвоҳ фи нукуш ил-алвоҳ. – Истанбул: Миллат Бош кутубхонаси, Жоруллоҳ афанди бўлими, инв. № 1541. – Қўлёзма. – 74 varaқ.
7. Саъиддин ал-Ҳамавий. Китаб ул-Маҳбуб. – Техрон: Китобхона-и Мажлис-и Шўро-йи Исломи, инв. № 3881. – Қўлёзма. – 120 varaқ.

KONFERENSIYA	KONGRESSIYA	CONFERENCE
MAVLONO JALOLIDDIN RUMIY MEROSIDA FALSAFIY VA ISLOMIY G'OYALAR INTEGRATSIYASI. M.T.Voxidova		146
TASAVVUFIIY TAFAKKURDA OILA VA NIKOHNING IRFONIIY-AKSIOLOGIK TALQINI: SHARQ VA G'ARB FALSAFIY G'OYALAR SINTEZI. G'afurov Doniyor Orifovich		149
SHARQ TASAVVUFIIY MEROSIDA OILA VA NIKOHNING TEOTSENTRIK TALQINI (MARKAZIY OSIYO TAJRIBASI). G'afurov Doniyor Orifovich		152
SHARQ VA G'ARB MUTAFAKKIRLARI MEROSIDA FALSAFIY VA ISLOMIY G'OYALAR SINTEZI. Saidusmanov Bahrom Abduganiyevich. Usmonjonov Azizbek Abdusattorovich		155
SHARQ VA G'ARBDA ONG FALSAFASI: ISLOMIY VA RATSIONAL YONDASHUVLAR UYG'UNLIGI. Karimov Bozarqul Xuddayberdiyevich.		157
SHARQ VA G'ARB TAFAKKURIDA FALSAFIY VA ISLOMIY G'OYALAR UYG'UNLIGI: FALSAFA VA MANTIQUIY YONDASHUV. Karimov Bozarqul Xuddayberdiyevich		161
ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ АҲЛИ ТОМОНИДАН “ҲУШ ДАР ДАМ” РАШҲАСИНИНГ ТАЛҚИНИ. Н.У.Нурматова.		165
ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ МАКТАБИ АСОСЧИСИ ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ БУХОРОДАГИ ҚАДАМЖОСИ. Нурматова Нигора Умаровна		168
O'ZBEKISTONDA INKLYUZIV TA'LIM: MILLIY STRATEGIYA VA XORIJIY TAJRIBA. Abdullayeva Firuza Sharipovna		172
SHARQ VA G'ARB TAFAKKURIDA INSON PSIXIKASINING TALQINI: NAFS, ONG VA ONG OSTI KONSEPSIYALARI. Razzoqova Shaxnoza Jo'rayevna		177
MARKAZIY OSIYO FALSAFASIDA "KOMIL INSON". Dilfuza Razikovna Vaxobova.		180
МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИК ТАЪЛИМОТИ. Гулямова Мунисхон Махмудовна. Исломовна С.		183
РИСОЛАИ СУХАНОНИ ХОДЖА ПОРСО» АБДУРАХМАНА ДЖАМИ: ЖАНРОВАЯ СПЕЦИФИКА И СУФИЙСКАЯ ГЕРМЕНЕВТИКА. Бахриева Дилфуза Хакимовна		187
MARKAZIY OSIYO O'RTA ASR ILMIY TAFAKKURIDA EMPIRIK BILISH MADANIYATI VA ISLOMIY-FALSAFIY G'OYALAR UYG'UNLIGI: BERUNIY, IBN SINO VA ULUG'BEK ILMIY MEROSI MISOLIDA. Turdialiye J.R.		190
IX–XII ASRLARDA MARKAZIY OSIYO MADANIY TAFAKKURIDA MAHALLIY AN'ANALAR VA ISLOMIY-FALSAFIY G'OYALAR SINKRETLASHUVI. Ungalov A.A.		196
SHARQ FALSAFIY MEROSI VA TASAVVUFIIY TA'LIMOTLARNING MA'NAVIY-RUHIY TARBIYA TIZIMIDAGI ROLI. Saidusmanov Baxrom Abduganiyevich. Erkinov Asilbek		201
SHARQ FALSAFIY MEROSIDA AYOLLARNING INTELLEKTUAL SALOHIIYATINI YUKSALTIRISH OMILLARI. Bozorova Ro'zigul Sharofovna.		204
САЪДИДДИН ҲАМАВИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МАЪРИФАТ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ. Ражабов Алишер Шавкатович		209